

«Ким ўзини ўзи ўлдирса...»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



18:09 / 13.12.2018 5271

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Ҳозирги кунда ёшлар ўртасида ўзини осиб ўлдириш ҳоллари учраб турибди. Бунинг сабаблари суриштирилганда, ўзини ўлдириш учун сабаб топиб бўлмайди. Кўпчилик, бу ҳолат касаллик оқибатида ёки ҳозирги вақтда кўпайиб кетган сеҳр-жоду оқибатида келиб чиқади, деб билишади.

Бундай ҳолатда, яъни одам ҳақиқатдан ҳам шу сабаблар билан ўлса, у ҳаром ўлган ҳисобланадими?

Жавобингиз учун раҳмат.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ўзини ўзи ўлдириш Аллоҳнинг қазои қадарига норози бўлиш, Аллоҳ берган ҳаёт неъматига нонкўрлик қилиш, осийлик ва иродасизликдир. Ўзини ўзи ўлдириш муслмонларга хос бўлмаган қўрқоқлик ва номардликдир.

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзини ўзи ўлдирган одамга жаноза намози ўқимаганлари бу одамнинг қилган номаъқулчилиги учун муносиб жазо ҳамдир. Охирада эса алоҳида жазолар бўлади.

Имом Бухорий Собит ибн аз-Заҳҳок розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Набий алайҳиссалом: «Ким ўзини темир асбоб билан ўлдирса, жаҳаннам оташида ўша билан азобланади», деганлар».

Имом Бухорий Жундуб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир одамнинг жароҳати бор эди. У ўзини ўлдирди. Шунда Аллоҳ азза ва жалла:

«Бандам Мендан аввал жони ҳақида ўзи шошқалоқлик қилди. Мен унга жаннатни ҳаром қилдим», деди», деганлар».

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзини ўзи бўққан дўзахда ҳам бўғиб туради. Ўзига ўзи пичоқ урган дўзахда ҳам пичоқ уриб туради», деганлар».

Демак ўзини ўзи ўлдирган одамнинг дўзахга тушишига шубҳа йўқ.

Одамларга ўрناق бўлиш учун бу дунёда ҳам унга ўзгача муносабатда бўлинади.

Умар ибн Абдулазиз, Авзой ва Имом Аҳмаднинг мазҳаблари бўйича ўзини ўзи ўлдирган одамга жаноза намози ўқилмайди. *Валлоҳу аълам.*

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан